



O'ZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг маъқеани мустаҳкамлаш ва родини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2012 йил Ўзбекистон Республикасида «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор» деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, куйидагилар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш; ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қўлай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

Жамиятимиз ва қўндаллик ҳаётимизда маҳалла институтининг родини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга таъбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур кўмак ва ёрдам бериш;

Оила, биринчи навбатда, эҳтиёжман оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-مائий шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

«Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мўлжал берилган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) зиммасига «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси: икки ҳафта мuddатда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича «Мустаҳкам оила йили»нинг худудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастур амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастури амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорағида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якуналари бўйича «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб босин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида худудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли худудларда олишмай ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юкласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларни мунтазам ва кенг қўламада тушунтириб борилишини;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини ақс эттирган ҳолда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

ЎЗХДП: маҳаллий кенгашларда



ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА фаоллик зарур

■ Сиёсий партия амалга оширилаётган ислохотларга муайян таъсир кўрсата олсанига жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Бунинг учун сиёсий партиялар кучли депутатлик гуруҳларига эга бўлиши, улар орқали электротар манфаатини самарали ҳимоя этиши лозим. Шу маънода, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижросида депутатлар ва депутатлик гуруҳлари назорати муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗХДП Наманган вилоят кенгаши ижроия қўмитаси депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ўтказган қўшма йиғилишда шу ҳақда сўз борди. Унда вилоят партия ташкилотининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурининг 2011 йилдаги ижроси ҳамда 2012 йил учун дастурга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш, Марказий Кенгашнинг «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувват-

лаш маркази» лойиҳасини изчил амалга оширишда ЎЗХДПдан сайланган депутатлар иштироки муҳокама этилди. Тадбирда вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, вилоят кенгаши ижроқўми аъзолари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганининг 20 йиллигига

■ «Ўзбекистон келажақда тенг ҳуқуқли ва суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўладиган кун келишига аминман. Бу — бизнинг қонуний ҳуқуқимиздир, бу — халқро қонунларга асосланган давр талабидир, жафокаш ўзбек халқининг, республикамизда яшовчи барча эрксевар фуқароларнинг истағидир.»

Юртбошимиз Ислон Каримов бу армонли сўзларни, халқимиз юрагидаги буюк орзу-ниятларни Ўзбекистон мустақилликка эришмасдан олдин, мустабидлик ҳукм суриб турган 1991 йил 12 июнда айтган эди.

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари халқимиз тақдирда муҳим буюрилди. 123 йил ҳукм сурган ислохотдордан сўнг Озодликка чиқилди ва Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Мустақил тараққиёт йўлини Президент Ислон Каримов икки даврга бўлиб, 1991-2000 йиллар — ўттиш даври, ундан кейинги давр — ривожланиш босқичи, деб атайди. Дарҳақиқат, 1991 йил 31 августда, Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун ва унда илгари сурилган ғоялар халқимизнинг азали орзу-умид ва мақсадларини, озод ва обод ҳаёт куриш истагини ўзида мужассам этади. Халқро ҳамжамият уни қўллаб-қувватлади. Ва ниҳоят, 1992 йилнинг 2 мартда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди.

Ватанимиз озодликка эришгач, халқро муносабатлар тизимида ўз ўрни ва нуфузини белгилаш ниятида изчил ташқи сиёсат олиб борди. Айниқса, бу даврда халқро ҳамкорликни йўлга қўйиш долзарб вазифага айланди. Маълумки, халқро ҳамкорлик дунё давлатлари ва бўрўли халқро ташкилотлар билан ўзаро тенг ва манфаатли алоқа талаб этади. Мамлакатимиз ўша йилларда қатор нуфузли молиявий ва халқро ташкилотларга аъзо бўлди. Бугунга келиб, қарийб 130 давлат билан дипломатик алоқа ўрнатди. Ҳозир Тошкентда 50 дан ортиқ давлат элчихона ва консулхонаси, ўн-



лаб халқро ва минтақавий ташкилот ваколатхонаси ишлаб турибди. Шунингдек, 50 га яқин мамлакатда Ўзбекистоннинг элчихона ва консулхонаси фаолият олиб бормоқда. Нью-Йорк шаҳрида жойлашган БМТ қароргоҳида 193 мамлакат байроғи ҳилпираб туради. Улар орасида энг гўзали Ватанимиз байроғидир. Халқро муносабатларда мустақил давлат, халқро ҳуқуқ субъекти сифатида Ўзбекистоннинг мақсади — мустаҳкам тинчлик, минтақавий барқарорлик, қуролсизланиш, ўз худудини ва минтақани оммавий қирғин қуролларидан халос этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худудга айлантириш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйикқа йўл қўймасликдан иборат. Шу асосда ўз ташқи сиёсатини белгилаб олган мамлакатимиз Конституциянинг 17-моддасида бунини мустаҳкамлаб қўйди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар, улардаги тамойиллар ҳам Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган, десак, хаго бўлмайди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр-қиммати ва эркинликлари ҳамма нарсадан устун экани ҳам унда белгилаб қўйилган.

БМТга аъзо бўлиш фахр ва гурур бағишлайди. Шу билан бирга, катта масъулият юклайди. Ўзбекистон БМТнинг фаол аъзоларидан биридир. Мамлакатимиз халқро нуфузли ташкилот орқали минтақавий муаммоларни бартараф этиш учун кўпдан-кўп амалий ташаббусларни илгари сурди. Айниқса, жафокаш афғон диёрларидаги ҳарбий-сиёсий, миллий-этник муаммолар ечимини топиш, Орол денгизи ҳалокатининг олдини олиш, Марказий Осиё барқарорлигига таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм ва нарқобизнес каби ёвузликларга қарши кураш олиб боришда жонбозлик кўрсатмоқда. Президент Ислон Каримов «Биз ҳар томонлама бағрикенг ва ҳамдард халқимиз» асарига: «Қайси миллат, қайси давлатни бутун дунё тан олади? — деб савол қўяди ва унга жавобан шундай дейди: — Ўзининг қадр-қиммати, гурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини куриши, ўз юртини ҳимоя қилишига, керак бўлса, бошқаларга ёрдам бериш, ўрнатқ бўлишига қодир бўлган бунёдкор ва салоҳиятли давлатни, халқ ва миллатни дунё аҳли тан олади, ҳурмат қилади.»

(Давоми 3-бетда.)

Оила ҳақидаги ҳикматлар

Агар бешик ва беланчаклар узра аллалар айтилмаганда, эҳтимол, дунёда бошқа қўшқлар яратилмасди. Одамларнинг умри мазмунсиз кечарди, уларнинг ҳаётида шеърый ҳис-туйғулар камроқ бўларди, дунёда камроқ қаҳрамонликлар кўрсатиларди.

Оналар — дунёнинг энг биринчи шоирлари! Улар ўғил-қизлари қалбига шеърый уруғларини сеппишди. Йиллар ўтиб бу уруғлар гул бўлиб очилди. Шу боис эркаклар энг оғир, энг ғамгин дамларда, энг қалтис лаҳзаларда онаси айтган аллаларни эста олишди.

Расул ҲАМЗАТОВ

Миллий матбуот марказида

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ

фаолиятини бағишланган йиғилиш

■ Юртимиз худудида миллоддан аввалги 1-минг йилликнинг сўнги асрларидақ дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган.

Айниқса, ўрта Осиёда фан ва маданият ўз тараққиётининг энг юқори чўққисига кўтарилган IX-XII асрларда Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида бутун жаҳонга илму маърифат зиёсини таратган йирик кутубхоналар фаолият юритган. Бундан ташқари, Беруний, Ибн Сино, Замашарий, Амир Темур, Алишер Навоий каби улўз аждодларимизнинг нодир кўлемларига бой шахсий кутубхоналари ўз даврида жуда машҳур бўлган.

Илгор ахборот-компьютер технологиялари билан жиҳозланган, энг аввало, ёшларимизга миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — замонавий ахборот-ресурс маркази ва Симпозиумлар саройини ўзига қамраб олган Маърифат маркази бу борадаги асрий аъёнларнинг мустақиллик йилларида ақс этган бетакорр тизимига айланди.

Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлди. Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги жами 14 та оммавий кутубхона Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилиб, уларнинг негизда ахборот-кутубхона марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

4-бет

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2012 YIL 28 FEBRALDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1950,36	1 АҚШ доллари	1827,89	1 Хитой юани	290,12	1 Польша злотийси	591,01	1 Евро	2425,50
1 Англия фунт стерлинги	2899,40	1 Миср фунти	302,98	1 Россия рубли	62,07	1 СДР	2838,75	10 Жанубий Корея вони	16,20
1 Дания кронаси	330,73	1 Исландия кронаси	14,72	1 Украина гривнаси	228,86	1 Туркия лираси	1036,87	10 Япония иенаси	225,17
1 БАА дирҳами	497,67	1 Канада доллари	1826,43	1 Малайзия ринггити	605,66	1 Швейцария франки	2041,65		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.



ЎзХДП: Ҳаракат дастури ижроси

ЎзХДП: маҳаллий кенгашларда

ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА фаоллик зарур

Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раҳбари:



— Юртбошимиз илгари сурган Концепцияни амалга ошириш бўйича партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида кўзда тутилган масалалар ижросини таъминлаш асосий вазифамиз ҳисобланади. Ўтган йили ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 16 та масала тегишли сессиялар муҳокамасига киритилди. «2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ижроси таъминлаш бўйича маҳалла ва келгусида амалга оширилган вазифалар тўғрисида»ги, «2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»ни вилоятда ва Наманган туманидаги ижроси тўғрисида»ги масалалар вилоят Кенгаши сессияларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи томонидан киритилди.

ман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг туманда бажарилгани юзасидан назорат-таҳлил ақунлари тўғрисида»ги, «2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»нинг туманда ижроси ҳақида»ги «Ўзбекистон Республикасининг «Чинқиндилар тўғрисида»ги Қонунининг Наманган шаҳрида ижро этилиши тўғрисида»ги, «Туманда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига «2011 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ижроси ҳақида»ги масалалар сессияларда кўриб чиқилди.

Аваз САИДОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этар экан, аниқ йўналтирилган ижти-

мой ҳимоя борасида маҳалла фуқаролари йиғинлари қай даражада қонунга амал қилаётганини ўрганиш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш доирасидаги тажрибаларни оммалаштиришни назарда тутди. Шунингдек, хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар бериш, масалани сессияларга олиб чиқиш зарур. Бу борада маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, айрим депутатлик гуруҳлари томонидан электротатлиқ уйлантираётган масалалар чуқур ўрганилмади, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилмади. Кўп ҳолларда аҳолини қизиқтириётган муаммоларни сессиялар кун тартибига қўйишда ташаббускорлик ва изчиллик етишмади. Бундай ҳолат баъзи депутатлик гуруҳларининг аниқ иш режаси, билими, тажрибаси, ижтимоий ва долзарб масалаларга мустақил ёндашуви ва таҳлилий нуктаи назари йўқлигини кўрсатмоқда.

Шундай экан, ўтган давр байнида ютқ ва камчиликлар-

ни таҳлил қилиб, тегишли хулоса ясаш ва амалий чоралар кўриш керак.

Зиёвуддин МАНСУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Олий Мажлис маъқуллаган янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мурофиқ бу йил 967 мингдан ортиқ иш ўрни очил, унинг қариб 60 фоиздан ошигини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилган. Мустаҳкам оила йилида оила институтини янада мустаҳкамлаш, ўш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада маҳалланинг маъқени ошириш каби муҳим ишларга муносиб ҳисса қўиш учун аниқ тақлиф ва ташаббуслар билан чиқилишимиз, ибратли ишлар қилишимиз зарур. Бу борада, аниқса, депутатлар ва партия фаоллари зиммасида катта вазифалар турибди. Биз электротатлиқ манфаати билан боғлиқ муаммоларга ечим топсак, кўпроқ амалий ишлар билан шуғуллансак, ишончли оқлаган бўламиз.

Хуршид ФАЙЗИЕВ, Шоҳрух МАМАДАЛИЕВ.

Бугун ҳар бир сиёсий партия мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиши, ташаббускор бўлиши, аниқ ва амалий натижалар учун ишлаши давр талабига айланди. Президентимиз илгари сурган Концепция ғояларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган ЎзХДП Ҳаракат дастурида ҳар бир ҳудуд миқёсида бажарилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш учун партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунда электротатлиқ манфаатини ҳимоя қилиш, жойларда юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тақлиф ва ташаббуслар кўпаяди.

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати Иброҳим ЁҚУБОВ бу ҳақда шундай дейди:

НАТИЖА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

— Электротатлиқ манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий масалалар самарали ҳал этилиши Ҳаракат дастури ижросига боғлиқ. Ўтган йили бу борадаги фаолиятимиз анча жонланди. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз билан биргаликда касб-хунар коллежлари битирувчиларини мутахассисларига бўйича ишга жойлаштириш, хусусан, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари билан бойитиш борасидаги ишлар урганиб чиқилди, шу асосда тайёрланган амалий тақлифлар сессиялар кун тартибига киритилди.

Дастур ижросини таъминлаш бўйича йил бошида ишлаб чиқилган режа асосида партия фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлари жойлардаги аҳолини ўрганиб чиқди.

Депутатлик гуруҳларимиз ҳудудий дастурлар ижросини ўрганишда муайян камчиликлар борлиги аниқланди. Масалан, баъзи туманларда режада белгиланган иш ўринлари очил тўла адо этилмаган. Айрим корхоналар ишга тушиши, фаолиятини кенгайтириши ҳисобига очилиши лозим бўлган иш ўринлари ўз вақтида қилинмаган. Мисол учун, Қумқўрғон туманида 259 та, Термиз туманида 212 та, Шўрчи туманида 183 та субъёкт давлат рўйхатида киритилган, аммо фаолият қўрсатмапти. Бунинг сабаблари ўрганилди ва муаммолари бартараф этиш, корхоналарга ёрдам қўрсатиш масаласи сессиялар кун тартибига киритилди, камчиликларини ечишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Термиз туман Кенгаши сессияси мазкур йўналишдаги масалани кўриб чиқиб, «Туманда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳудудий дастурларини бажариш доирасида ички истеъмол бозорини ўзимизда тайёрланган товарлар билан тўлдирish самарадорлигини ошириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди ва мутасаддиларга аниқ вазифалар юкланди.

— Маълумки, бугун касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хусусан, уларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича қатор имтиёзлар яратилган. Бироқ бу имкониятдан фойдаланиш кўпгина жойларда ҳали суғ аҳволда. Демак, партия ташкилотлари, депутатларимиз бу масалада тарғибот ишларини кучайтириш керак. Шунингдек, коллежларни ихтисослашувига қараб тегишли ташкилот ва корхоналарга бириктириш амалиётини жидаий назорат қилиш зарур. Шунда кўзланган натижага эришилади.

«Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш бўйича жорий йилда режалаштирилган вазифаларни бажариш учун қандай ишлар қилинмоқда?»

— Бу йил вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари, депутатлик гуруҳлари кам таъминланган оилаларга жидаий ётибор беришни устувор вазифа, деб билди. Бу бевосита Ҳаракат дастури ижроси билан боғлиқ,

Ташкидлаш лозимки, ҳозир кичик корхоналарга битирувчиларни ишга қабул қилиш, касаначилик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор имтиёзлар яратилган. Бироқ бу имкониятдан фойдаланиш кўпгина жойларда ҳали суғ аҳволда. Демак, партия ташкилотлари, депутатларимиз бу масалада тарғибот ишларини кучайтириш керак. Шунингдек, коллежларни ихтисослашувига қараб тегишли ташкилот ва корхоналарга бириктириш амалиётини жидаий назорат қилиш зарур. Шунда кўзланган натижага эришилади.

Айни чоғда, партияимиз депутатлик гуруҳлари Жарқўрғон ва Музработ туманларида кам таъминланган оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламга давлат томонидан ажратилган маблағ қай даражада мақсадли сарфланганини ўрганилмоқда. Ан-гор, Шеробод, Қизирик, Бойсун туманларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кичик корхоналар очил ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганилмоқда. Бу йўналишдаги масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессияларидаги киритиш режалаштирилганми.

Дарҳақиқат, Ҳаракат дастури ижроси орқали партияимиз электротатлиқ манфаатини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўиш, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишимиз мумкин. Демак, маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлар ўз фаолиятларида дадиллик ва тақлифчиликни кучайтирса, сайловчилар ишончли оқлаган бўлади, партия олдида турган вазифалар самарали бажарилади.

Сўхбатдош «Ўзбекистон овози» муҳбири Лазиза ШЕРОВА.

ЯНГИ ҚОНУННИНГ О'zLiDeP'ча ТАЛҚИНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинмоқда

Кучли фуқаролик жамияти шаклланишида турли ижтимоий институтлар, жумладан, сиёсий партиялар фаолияти ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Бу эса ҳар бир сиёсий партияда ҳаётга теран назар билан қараб, масаланинг шаклига эмас, моҳиятига эътибор қаратиш, соғлом фикрлаш заруратини ўйғотади. Афсуски, айни мана шу жойда сиёсий рақибларимиз қаршларида чалқашликлар кўзга ташланади. Хусусан, О'zLiDeP'нинг ижтимоий ислохотларни ёқлаб турган ЎзХДПни асоссиз айблаётгани кишини ўйга толдиради.

ришнинг бешта асосий тамойилнинг биттаси айнан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кучли ижтимоий сёбат юритиш эканлигини эслатиб қўймоқчимиз. Қолаверса, аҳолининг фақатгина битта қатлами манфаатларини ақт этириш орқали мақсадга эришиб бўлармикан, деган савол туғилади.

Дилбар СОЛИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Дарҳақиқат, барчага маълумки, бозор иқтисодиёти бу — эркин тадбиркорлик тамойилларига, ҳўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларга асосланган иқтисодиётдир. Яъни, бозор иқтисодиёти хусусий мулк ва товар-пул муносабатлари асосида ривожланади. У тадбиркорлик тамойиллари, мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги, ишлаб чиқариш воситалари, нархларнинг бозорга монанд шаклланиши, ҳўжалик субъектлари (одамалар, корхоналар ва ҳўзоа) ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг давлатнинг ҳўжалик фаолиятига чекланган аралашуви асосига қурилади.

Менимча, О'zLiDeP'чилар ЎзХДП дастурий мақсадларини тор маънода, яъни хусусий мулкчиликнинг инкор этилишидан иборат, деб тушунади. Холбуки, хусусий мулкга мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси эгаллик қилади. Бу эса, демократик ривожланиш жараёнида бозор муносабатлари ижтимоий йўналтирилган бўлиши ва шу боисдан жамоатчилик манфаатларига хизмат қилиши лозим, деган тушунчанинг юзасига келишига асос бўлади. Қолаверса, Бош Қомусимизнинг 53-моддасида белгиланган бўлишига қарамай, «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳимоя қилиш, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳол-

ларда ва тартибдагина мулкнинг маҳрум этилиши мумкин».

Менимча, О'zLiDeP' журналисти ўзи сўз юритаётган масаланинг муҳим жиҳатларини ўзи аналда етмаган кўринади. Ахир хусусий мулк ҳақида сўз юритганда, фақат ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик назарда тутилмайди-ку! Хусусий мулк бу мулкнинг шундай бир шаклики, у жиқмоний ёки юридик шахс, ё бўлмаса, улар гуруҳининг мулкчилиқ предметида бўлган, қонун билан ҳимояланган ҳуқуқини назарда тутди.

«Биз мустақил тараққийимизнинг дастлабки йилларида бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шартларида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқчимиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмак муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэфффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди».

Президентимиз 2011 йилнинг асосий ақунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб ўтгани ўрта синф манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратуви партиянинг назаридан четда қолмаслиги лозим. Масаланинг ана шу муҳим жиҳатларини ҳисобга олиб соғлом фикрларни киши ижтимоий йўналтирилган ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган ғоялар тарафдори бўлган ЎзХДПга асоссиз даъволар қилмаган бўларди. Биз партиялараро баҳс-мунозараларни олиб бўлиши тарафдори эканимизни илгари ҳам кўп бор айтганмиз. Ва шундай нуктаи назарда қоламиз.

Алишер РАВШАНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати ходими.

«XXI asr» газетасининг 2012 йил 23 феврал сонида эълон қилинган «Янги қонун ХДПнинг эскича қарашларини ўзгартира оладими?» номли мақола юқоридagi тўхтама қелишимизга тўртки бўлди.

Либераллар ўз сайловолди дастурида «О'zLiDeP' ҳамжиҳатлики сақлаш, тараққийёт ва фаровонликка, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ҳамда халқ турмушининг янада тўқиб бўлишига интилади», дея эътироф этган бўлса-да, бу қонун лойиҳаси бўйича билдираётган фикрлариде ўрта синф манфаатларигагина эътибор қаратиб, ўз вақтларида айтилганидек, халқни эмас, фуқаролар айрим гуруҳлари манфаатларини жамият манфаатидан устуң кўрмоқда. Аниқса, О'zLiDeP'нинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги айрим депутатлари қонун лойиҳасини тўри талқин қила олмайётгани жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаати ҳимоясида масъул ЎзХДПни бефарқ қолдирмайди. Мақолада О'zLiDeP' фракцияси аъзоси қонун лойиҳасида биринчи марта «Хусусий мулкни олиб қўйишга фақат жамият манфаатлари тақозо этган ва олиб қўйиш мақсадига бошқа ҳар қандай йўл билан эришиш мумкин бўлмаган тақдирдагина йўл қўйилади», деган янги норма киритилаётганини таъкидлайди. Аслида эса, бу аниқлик эмас. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 202-моддасида айни ҳолат келтириб ўтилган. Умуман, қонун лойиҳаси мулкнинг муқаддаслик принципларини ўз ичига қамраб олган. Жумладан, унда мамлакатда амалга оширилаётган бугунги иқтисодий, ижтимоий жараёнлар назарда тутилган,

масалан, мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб-чиқиш ва бекор қилишга йўл қўйилмаслиги, хусусий мулк ҳуқуқини амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахслар аралашувига йўл қўйилмаслиги каби меъёрлар ўрин олмақда. Бу тушунарли. Аммо юқоридagi мақолада қўйилган галатея фикр билдирилади:

«...ўз мулкига эга бўлган ўрта қатлам нафақат иқтисодиётни мустаҳкамлаш, балки аҳолини иш билан таъминлаш ва фуқароларнинг турмуш фаровонлигини оширишнинг ҳам муҳим омиллига айланганини таъкидлаш жоиз». Умуман, мақолада хусусий мулк ва хусусий мулкдорларга нисбатан муносабат ҳам бирёқлама талқин қилинганга гувоҳ бўлиш мумкин. Мулкдорлар синфида О'zLiDeP' ўз электротатлиқни кўраб экан, хусусий мулк эгаси ва тадбиркорнинг орасида маълум фарқ ва масофа борлигини ҳам эътиборга олса, ҳолисона ёндашуш бўлар эди.

Мақолада «... қонун лойиҳаси биринчи марта «Хусусий мулкни олиб қўйишга фақат жамият манфаатлари ва олиб қўйиш мақсадига бошқа ҳар қандай йўл билан аралашуш мумкин бўлмаган тақдирдагина йўл қўйилади», дейилгану нима учундир ЎзХДПнинг жамият манфаатларига хизмат қилувчи қарашлари танқид остига олинади?»

Шуни ҳам айтиш керакки, қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида «жамият манфаати» жумласини «давлат ва жамият» дея тўғрилаш тақлифи ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан киритилган.

Кези келганда сиёсий рақибларимизга Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда ислохотларни амалга оши-

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ажратиб соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги фармойишига асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш Комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда жорий йилнинг январь ойида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги ва «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари бўйича юборилган тақлифлар батафсил ўрганиб чиқилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қарорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам кенг муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни ўрганиб бориш, бу борада маъсул давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга ошириладиган тадбирлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар самарадорлиги, оммавий ахборот воситалари орқали қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнининг ёритиб берилиши таҳлил қилинди ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича ўтказилган Комиссиянинг мажлислари баёнлари билан тасдиқланган бошқа вазифаларнинг бажарилиши ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда ишлаб чиқилган қонунлар лойиҳалари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган вазифалар даражасида янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

Тадбир

НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди

Мамлакатимизда намунали ишлаётган профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, шунингдек, хотин-қизлар кенгаши раисларини аниқлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ўтказиш анъанага айланган.



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Кўрик-танловни ўтказишдан кўндаланг асосий мақсад — профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳамжиҳатликда иш юритишнинг таъминлаш, зарур пайтда тегишли ёрдам бериш ҳамда аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзидан ҳал этишни йўлга қўйишдан иборат. Тадбир, шунингдек, аҳолига намунали хизмат қилаётган милиция таянч пунктлари тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилади.

Қўриқ босқичда иштирок этган милиция таянч пунктлари бўйича ғолиблар ҳудудларга тақсимланган ҳолда аниқланди. Пойтахтнинг «Туркистон» саройида ўтказилган тадбирда улар муносиб тақдирланди.

Биринчи ҳудуд бўйича биринчи ўринга Пахтачи тумани «Санчикул» маҳалласидаги 250-милиция таянч пункти сазовор бўлди. Унинг профилактика катта инспектори, капитан Фахриддин Хусановга «Матиз»

автомашинаси топширилди. Иккинчи ҳудуд бўйича Кува тумани «Ақбаробод» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 297-милиция таянч пунктига ҳам «Матиз» автомашинаси топширилди. Шунингдек, тадбирда қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди ва тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Раован ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганининг 20 йиллиги

ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ

Шу маънода, Ўзбекистон «Кўннинг тинч — сен тинч» тамойилига амал қилиб, минтақадаги тинчлик ва осойишталик учун астойдил курашмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрь, 1995 йил 24 октябрь, 2000 йил 8 сентябрь ва 2010 йил 20 сентябрда бўлган анжуманларида асосан минтақа аҳолиси оғирини енгил қилишга қаратилган чқишлар қилди ва ўта амалий ташаббусларни илгари сурди. 2002 йил октябрда Тошкентга таъриф буюрган БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан билан учрашув чоғида, шунингдек, 2010 йил апрелда Ўзбекистонга келган БМТнинг Бош котиби Пан Ги Мун билан бўлган музокарада ҳам халқро ҳамжамияти диққат-эътиборини минтақа аҳолиси ташвиш ва муаммоларига қаратди. Чунки бу масалалар катта миқёсда ҳамжиҳатлик билан ҳал этишни талаб қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Орол денгизини кўриб, бу фалокатнинг бутун минтақада экотизимига етказган салбий таъсири кўлами нечоғли катта экани ишонч ҳосил қилдим, — дейди БМТ Бош котиби Пан Ги Мун. — Қарийб бутун минтақа аҳолиси бошидан кечираётган офатни тасаввур қилишнинг ўзи оғир». Шунингдек, БМТ раҳбарининг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий ва халқаро ривожланишга қаратилган ўзбекистон ташаббусларида қадрли ва қимматли эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримов БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти, НАТО/СЕАП анжуманлари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитларида афғон муаммоси ҳарбий йўл билан ҳал бўлмаслигини уқтириб, аввало, афғон халқига, унинг дини ва дунёвий қадриятларига ҳурмат билан қараш, этник қатламлар ва қабилалар ўзаро тил

топишига кўмак бериш, одамларни яратувчилик ишига жалб этиш, бунинг учун ҳамкорликда корхоналар қуриш, энг муҳими, бу ишлар беғараз қилиниши ло-зимлигини қайта-қайта таъкидлаб келади.

Осиё тараққиёти банки Президенти Харухоко Хурода яқинда Тошкентда бўлган халқаро конференцияда: «Ўзбекистон киритаётган қатор инвестициялар Афғонистонда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва умид йўғотишга хизмат қилаётганидан гоъям мамнунман, — дея таъкидлади. — Ўзбекистон Қўбул шахрига электр энергияси етказиб бераётган биринчи ва ҳозирча ягона мамлакатдир. Афғонистон пойтахти бугунги кунда кечая кундуз узлуксиз Ўзбекистон томонидан электр энергияси билан таъминланмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Афғонистон тарихида биринчи марта темир йўл тармоғини мисли қўрилмаган қисқа муддатларда, бюджет

маблағлари доирасида юқори сифат стандартлари асосида барпо этди. Бу ва бошқа минтақавий лойиҳалар янги савдо йўналишларини шакллантирмоқда.

Осиё тараққиёт банки президенти бунга беғиж урғу бергани йўқ. Афғонистонда тинчлик қарор топсин, десак, ҳаммамиз шу йўлдан боришимиз керак, деб уқтирди у.

Бугун Афғонистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорликка эришиш гоъям муҳим. Бунда Ўзбекистон тақлиф этган БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳи ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу ташаббуснинг қиммати шундаки, унда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ривож топишидан манфаатдор бўлган Ўзбекистон, Туркменистон, Хитой, Эрон, Покистон ва Тожикистон, шунингдек, АКШ, НАТО ва Россия унга беғараз кўмак бериши керак, деган гоъям муҳимасам.

Ўзбекистон БМТ аъзоси сифатида нуфузли халқаро таш-



килот доирасида ҳам ислохотлар ўтказиш, Бош котиб ваколатларини кенгайтириш, Хавфсизлик Кенгашини Германия ва Япония билан болишти, БМТнинг ялпи хавфсизликка хизмат қиладиган минтақавий шохобчаларини ташкил этиш каби ташаббусларни илгари сурди.

Она дёиримиз тенглар ичиде тенг. Ҳаҳам ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга. Буни турли соҳада Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқларга бўлган қизиқиш яққол кўрсатиб турирди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан, мана, йиғирма йилдирки, узвий ҳамкорлик қилиб, инсониятга яхшилик улаштиш, дунёда тинчликни сақлаш учун курашиб келмоқда.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Қарор ва ижро

Йўналишсиз Таксилар Фаолияти

тартибга солингани йўловчилар хавфсизлигини таъминламоқда, хизмат сифатини оширмоқда, давлатимиз бюджетига фойда келтирмоқда

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган барча турдаги хизматларни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, йўл ҳаракати ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, хизматларнинг қулай ва ҳаммабоб бўлишига аҳамият берилмоқда.



Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кўлами ва сифат даражасини кўтариш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Транспорт хизмати кўрсатишда хусусий сектор улшининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, йўналишларга янги ва қулай автоуловларнинг қўйилган бўлиши бунинг тасдиғидир.

Бугунги кунга келиб, автомобиль транспортига бўлган талаб босқичли равишда ўсаяпти. Шунингдек, транспорт хизмати кўрсатишда хусусий сектор улшининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, йўналишларга янги ва қулай автоуловларнинг қўйилган бўлиши бунинг тасдиғидир.

Бугунги кунга келиб, автомобиль транспортига бўлган талаб босқичли равишда ўсаяпти. Шунингдек, транспорт хизмати кўрсатишда хусусий сектор улшининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, йўналишларга янги ва қулай автоуловларнинг қўйилган бўлиши бунинг тасдиғидир.

Мазкур муваффақиятларга эришилганидан сўнг соҳада яна бир масала кун тартибига чиқди. Яъни, кўчада лицензия олиб, қонун доирасида ишлаётган таксилар билан бир қаторда, ноқонуний фаолият юритаётган киракашлар ёки шунчаки ўзи иши билан кета туриб, йўл-йўлақай йўловчи олиб кетмоқчи бўлаётган шахсий автомобиль эгалари ҳам бор эди. Энг асосийси, таксилар тўхтаётган бўлган фуқаролар бир қарашда уларни бир-бирдан ажратиши мушкул. Бу эса, табиий равишда, йўловчилар хавфсизлигига таҳдид соларди, хизмат кўрсатиш сифатини пасайтирди. Буни инобатга олган ҳолда, ҳамда таксилар фаолиятини соҳага оид қонунларда назарда тутилган талаблар доирасида ташкил этиш ва хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида ўтган йилнинг 18 майида «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилган талаблар тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди. Унда Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатадиган таксиларнинг тартиб-аъдоби ва ички ахборот

муҳимини, Президентимизнинг 2008 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортига бўлган талаб босқичли равишда ўсаяпти» қарори билан таъминлаш таъминлаш учун мўъжалланган бўлиб, йўловчиларни тақсиди ташкил билан шуғулланувчи барча ташувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур талабларга кўра, таксилар билан таъминлаш шариҳида фил сунги рангига, республикамизнинг бошқа барча ҳудудларида эса сарик рангига бўлиши, томига тўқ сарик рангли, инглиз тилида халқаро миқёсда тушинарли бўлган «TAXI» ёзуви туширилган фонар ўрнатилиши, махсус серияга кирувчи давлат рақам белгисига эга бўлиши, салонга қўйилиши билан таксилар радиолоқа хизмати ёрдамчи бўлган таксиларга ҳам хизмат кўрсата бошлади. Шу билан бирга, ҳар кун йўлга чиқиш олдидан тибиий кўриқдан ўтаиши, механик автоуловимизнинг назоратдан ўтказиб, йўлга чиқишга тайёр ёки тайёр эмаслиги бўйича тегишли рақамга ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, биз ҳайдовчилар ўз оиламиз бағрига соғ-омон кириб боришимиз кафолатланган. Қолаверса, механик таъминотнинг юритилиши эртанги нафақамиз таъминотига ҳам замин яратади. Бундан биз жуда мамнуним.

Хафиза ЭСОНОВА, йўловчи:
— Биздан ҳайдовчининг ўзини тутишидан ёки автомобилнинг ҳолатидан йўл-йўлақай юрак ҳовуқлаб борган вақтларимиз ҳам бўлган. Айрим киракашлар йўлда шунчаки ҳунар кўрсатади, яъни, у йўлақдан, бу йўлаққа ўтказдики, капалагини учиб кетларди. Баъзилари салонда битта жой қолса ҳам, ичкаридагилардан сўраб ўтирмасдан яна йўловчи олишга ҳаракат қилади. Йўлда қўл кўтариб турган одамни кўриб қолишга бўлди, учинчи қаторда бўлса ҳам рулни шартта ўша томонга буриб, хавфли ҳолатларни юзга келтирилади. Орқадан бошқа уловлар асабий сигнал бериб қолаверади. Шунингдек, ҳозирги таксиларга таксиметрларнинг ўрнатилиши шарт қилиб қўйилгани жуда яхши бўлди. Эндиликда такси тўхтатиб, ҳайдовчи билан савдо қилиб олишга

мажбур бўлмаймиз. Чунки, ривожланган давлатлардагидек бизнинг таксиларимизда ҳам таксиметрлар ўрнатилди. Натижада йўловчилар борадиган жойининг масофасини билмасамиз ҳам, савдода алданиб қолмайди. Қолаверса, шахримиз кўчаларида одамларни узогини яқин, оғирини енгил қилаётган таксиларни кўришдан ва улар хизматидан фойдаланишдан биз йўловчилар хурсандимиз.

Жумладан, Агентлик Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари билан ҳамкорликда ташкил этган ва амалга оширилган кенг тушуштириш ишлари, яъни, маҳаллий оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар, жойларда ташкил этилаётган семинарлар ва учрашувлар, ҳайдовчиларга тарғиблиётган турли кўланам ва буклетлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Акмал ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ матбуот хизмати инспектори, капитан:

— Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш борасида бир қанча мутасадди вазирлик ва ташкилотлар қатори Ички ишлар вазирлигининг ҳам фикрини ўзгартирди. Улар ҳам аста-секин бирон-бир корхонага аъзо бўлиб кириб, қонуний ишлаш афзалроқ эканини англай бошладилар ва шу тариқа сафимиз кенгайиб бораверади. Қолаверса, корхонага қўйилиши билан таксилар радиолоқа хизмати ёрдамчи бўлган таксиларга ҳам хизмат кўрсата бошлади. Шу билан бирга, ҳар кун йўлга чиқиш олдидан тибиий кўриқдан ўтаиши, механик автоуловимизнинг назоратдан ўтказиб, йўлга чиқишга тайёр ёки тайёр эмаслиги бўйича тегишли рақамга ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, биз ҳайдовчилар ўз оиламиз бағрига соғ-омон кириб боришимиз кафолатланган. Қолаверса, механик таъминотнинг юритилиши эртанги нафақамиз таъминотига ҳам замин яратади. Бундан биз жуда мамнуним.

Хафиза ЭСОНОВА, йўловчи:
— Биздан ҳайдовчининг ўзини тутишидан ёки автомобилнинг ҳолатидан йўл-йўлақай юрак ҳовуқлаб борган вақтларимиз ҳам бўлган. Айрим киракашлар йўлда шунчаки ҳунар кўрсатади, яъни, у йўлақдан, бу йўлаққа ўтказдики, капалагини учиб кетларди. Баъзилари салонда битта жой қолса ҳам, ичкаридагилардан сўраб ўтирмасдан яна йўловчи олишга ҳаракат қилади. Йўлда қўл кўтариб турган одамни кўриб қолишга бўлди, учинчи қаторда бўлса ҳам рулни шартта ўша томонга буриб, хавфли ҳолатларни юзга келтирилади. Орқадан бошқа уловлар асабий сигнал бериб қолаверади. Шунингдек, ҳозирги таксиларга таксиметрларнинг ўрнатилиши шарт қилиб қўйилгани жуда яхши бўлди. Эндиликда такси тўхтатиб, ҳайдовчи билан савдо қилиб олишга


Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадбирларнинг ҳаммаси республикамизда такси хизмати сифатининг яхшилланиши, йўловчилар хавфсизлигининг юқори даражада таъминланиши, қўнунга бўйсунувчи ташувчилар сонининг ортиши, такси хизматларини жаҳон стандартларига яқинлаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, ноқонуний киракашлик орқали топиладиган яширин даромадга барҳам берилиб, солиқдан қочиб ҳолатларига чек қўйилиши натижасида тадбиркорлик фаолиятдан келиб тушаётган тушумлар ва солиқларнинг сезиларли даражада ўсишига эришилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Миллий матбуот марказида

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ

фаолиятига бағишланган йиғилиш



Муҳимжон ҚОДИРОВ (ўса) олган сурат.

Суратда: Фарғона давлат университетининг 3-курс талабаси Маҳбуба Урмонова ахборот-ресурс марказида.

Ахборот-кутубхона муассасаларининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Унда ахборот-кутубхона фондларини шакллантириш, уларнинг сақлаш шартларини таъминлаш, электрон каталог ва кутубхоналар яратиш, АКТ асосида ахборот-кутубхона ресурсларидан биргаликда фойдаланиш ва алмашишга доир меъёрлар белгиланган.

— Бугунги кунда ахборот-кутубхона марказларининг китоб фонди 5 миллионга яқин нусхани ташкил этади, — деди **Республика ахборот-кутубхона маркази директори Алишер Эшматов**. — Ҳар йили бу кўрсаткич ўртача 12 минг нусхага кўпаймоқда. Ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилгандан буён улардан фойдаланадиган ўқувчилар сони 270 минг нафарга етди, уларнинг 50 фоиздан ортиги ёшлар. Мазкур муассасаларни босқичма-босқич интернет ва «ZiyoNET» тармоқлариغا улаш ишлари давом этмоқда. Шунингдек,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Компьютерлар интернет ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталига уланган. Жаҳоннинг кўпгина давлатлари миллий кутубхоналари сайти электрон каталогларнинг маълумотлар базасига киритилган.

— Тизимда олиб борилаётган катта ўзгаришлар вилоятларда ҳам ўз мевасини бермоқда, — деди **Наманган вилояти ахборот-кутубхона маркази директори Мавлуда Жўрабаева**. — Яқинда кутубхонамиз Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан бутунлай қайтадан барпо этилиб, замонавий қиёфа касб этди. Шу билан бирга, кутубхонамизга 30 дан зиёд компьютерлар тақдим қилинган. Уларнинг барчаси ягона локал тармоққа уланган. Аҳолига ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизмат қилишнинг янги-янги турлари жорий қилинди. Ҳозир 563 мингдан зиёд китоб фондига эгамиз. Улар орасидан XVI-XVII асрларга тегишли ноёб қўлёзма асарлар ва китоблар ҳам ўрин олган. Айни пайтда ахборот-кутубхона марказимиз 24 минг нафарга яқин китобхонага хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Юртимизда бу борада қабул қилинган қарор ва фармойишларда ёш кадрларни тайёрлашга катта урғу берилган, — деди **ЎзРФА асосий кутубхонаси директори Зухра Шукурова**. — Ҳозирги кунда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ҳамда Тошкент ахборот-технологиялари университетида шу соҳа бўйича кадрлар етиштириладиган факультетлар фаолият юритмоқда. Кутубхонамиз ва икки олий таълим муассасаси билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Болалар спорти

МАҲОРАТЛИ ФУТБОЛЧИЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда футболни янада оммалаштиришда муҳим дастурлар амал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат ижроси юзасидан Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳоратли футболчиларни тарбиялаш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Фарғона шаҳридаги футболга ихтисослаштирилган 3-умумтаълим мактаб-интернатда ёшлар маҳоратини ошириш, миллий футболимизни ривожлантириш учун барча шарт-



шароит яратилган, — дейди вилоят футбол федерациясининг вице-президенти Комилжон Мирзабоев. — Мактабда тарбияланувчиларнинг маҳорат ва кўникмаларини ривожлантириш, футбол билан шуғулланаётган ёшлар нафақат жисмоний бакуват, айни вақтда юксак ин-

теллектуал салоҳиятга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий талаблар даражасидаги стадион, тренажёр зали бу ерда таълим олаётган ўқувчиларнинг куч ва маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз томонидан яратиб берилган бундай замонавий шарт-шароитлар истеъдодли ёшларни аниқлаш, танлаш, машғулотларни талаб даражасида ташкил этиш имконини бераётди.

— Мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди мактаб-интернат директори Фахриддин Абдукаримов. — Айни кунда мактабимизда уч юз нафардан зиёд ёшлар футбол сир-асрорларини ўрганмоқда. Ўқувчиларимизнинг назарий тайёргарлиги ва техник, тактик кўникмаларини тақомиллаштириш, профессионал фазилатларини ривожлантириш ишларига 14 нафар тажрибали

мураббий жалб этилган. Утган йиллар давомида мазкур мактабдан Мансур Саидов, Икром Ақромов, Шерзод Хакимов, Иқбол Бобохонов, Жавҳар Расуллов, Ислам Тўхтажўаев каби кўплаб профессионал футболчилар етишиб чиққани бу ерда таҳсил олаётган ўқувчиларга фахр-ифтихор ва ўз имкониятларига ишонч ҳиссини бағишламоқда.

Буни мактаб-интернат тарбияланувчиларининг турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Утган йили мамлакатимиз футбол мактабларининг 1996-1997 йилларда турилган ўсмирлар жамоалари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигининг худудий босқичида мазкур мактаб-интернат жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.



Реклама

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

миллий валютадаги янги муддатли омонат амалга киритилганлигини маълум қилади

«МУСТАҲКАМ ОИЛА»

- Сақлаш муддати — 9 ой.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади (олинмаган фоизлар капиталлаштирилмайди).
- Бошланғич бадал миқдори чегараланмаган.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Омонат 25 йил ёки ундан ортиқ бирга яшаган эр-хотинлар учун очилади.

Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 21 мартига қадар амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-11 телефонлари орқали ёки банкинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган

Таълим ва ислоҳот

БУГУННИНГ ЎҚИТУВЧИСИ

унинг имкониятлари, масъулияти ҳақида

Бугун таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг имкониятлари шу қадар кенгайдики, бундан яқин ўтмишдаги аҳвол билан таққослаш мумкин эмас. Ахир, тойдан чакка ўтиб турган лойсувоқ мактаблардаги зах, чала ёритилган, катакадай тор синфхоналарда дарс ўтиш билан ҳозирги замонавий мактаблардаги кенг, ёруғ фан кабинетларида машғул олиб боришнинг фарқи катта. Ёки йиллар давомида ишлатилавериш, рангини билиб бўлмайдиган даражага келган доскаю парталар, ҳеч вақоси йўқ лабораториялар қайқанда, ривожланган хорижий давлатлар мактаблари даражасида жиҳозланган ҳозирги лабораторияларда машғул ўтиш қайқанда? Ишга меҳр қўйган, изланувчан, фидойи муаллимларнинг меҳнатларидан манфаатдорлигини айтмайсизми? Яқин ўтмишда арзимаган маош билан амал-тақал қун кечирган ўқитувчи эндиликда ойига 600-700 минг сўм иш ҳақи олаётми. Мукофотлари устамалар бунга қирмайди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: Шунча имкониятлар яратилган бир шароитда ўқитувчилар бундай эътибор, ғамхўрликларга яраша ишлаётими? Машғулотлар самарадорлиги, дарсларда инновацион технологиялардан фойдаланиш даражаси, айрим ўқувчилар билан алоҳида ишлаш кўникмаси қандай бўлаётми? Қисқаси, бугуннинг ўқитувчиси яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ёш авлодга пишиқ-пухта таълим-тарбия беришининг уддасидан чиқаятми?

Кўп йиллардан бери ўқитувчилик қиламан. Ўқувчиларим олдида уялиб қолмаслик учун ҳамisha изланадман. Ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўришга одатланганман. Янги технологиялардан, инновацион ишланмалардан унум-

ли фойдаланаман. Бу эса ўқувчини мустақил фикрлашга, муайян мавзулар бўйича мулоҳаза юритишга, хулосалар чиқаришга ундайди. Баъзан ўйлаб қоламан: бугунги ўқувчининг дунёқараши, ўйлаш, фикрлаш имкониятлари тўғрисида нима деса бўлади? Албатта, билим эгаллаш учун унда шароит етарли. Ҳар кун интернет тармоғига уланиши, дунёдаги турли хил янгиликлардан хабардор бўлиши мумкин. Бундай шароитда ўқитувчи ўқувчининг бирон-бир саволига жавоб беролмай қолса-чи? Шунинг учун бугун ўзини ўзи ҳурмат қилган ўқитувчидан ҳар кун интернетга кириб, ўз фани, соҳаси, мавзу доирасидаги янгиликлар, ўзгаришлардан мунтазам бохабар бўлиши талаб этилади.

Ўқитувчи зиёли инсон.

Менимча, у нафақат ёш авлодга билим бериши, балки ўзининг юриш-туриши, кийиниши, ахлоқ-одоби, жамиятдаги ўрни билан уларга шахсий намуна, ибрат ҳам бўлиши зарур. Сиз ўқувчинининг кўнглидаги ниятларини, қизиқишларини, интилишларини тўғри топсангиз, фикр-мулоҳазаларини англаб етсангизгина у сизни тан олади, сиз билан ҳисоблашади. Акс ҳолда барча уринишларингиз зое кетади, қутилган натижаларга эриша олмайсиз. Шулар билан бир қаторда бугун ўқитувчи зиммасига жойларда ҳукуматимиз қарорлари, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати мазмун-моҳиятини аҳолига, ўқувчи-ёшларга тўғри тушутириш, уларни эзгу мақсадлар сари руҳлантириш сингари муҳим вазифалар ҳам юклайди.

Гулнора БОБОЖОНОВА,
Дўстлик туманидаги 3-умумтаълим мактаб директори,
ЎзХДП фаоли.

ОБ-ХАВО	28-29 - 02. 2012
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
0 / -5	+5 / +10
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
0 / -5	+5 / +10
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
0 / -5	+10 / +15
Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
0 / +5	+10 / +15
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+2 / +3	+7 / +12
Тошкент шаҳри	
0 / +2	+10 / +12
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+6 / +8
Париж	+7 / +7
Москва	-7 / -9
Мадрид	+3 / +5
Пекин	-3 / -1
Гонгконг	+10 / +13
Рим	+3 / 0
Анкара	+2 / -4
Токио	-1 / -2
Стокгольм	0 / 0
Кейптаун	+17 / +16
Қоҳира	+10 / +9
Гавана	+22 / +21
Вашингтон	+4 / +3

Тошкент фармацевтика институти томонидан 1993 йилда Разоков ҚУДРАТИЛЛО Холиқович номига берилган ЦВ №781670 рақамли провизор мутахассислиги бўйича диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Muhammadin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Muhammadin MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	G'affor HOTAMOV	Saidahmad SAIDAHMAD
Murodulla ABDULLAYEV	(Bosh muharrir o'rinbosari)	RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 246
19943
nuxsada bosildi.

t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 00.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **Abdubahob ABDUBANNONOPOV**

Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5